

**Ислом ҳуқуқшунослигида шаръий ҳуқумларнинг умумий тавсифини ифода  
қиладиган терминларнинг лексик-семантик тадқиқи**

*Илмий раҳбар: дотцент Бегматова.Б*

*Магистрант: Қурбонов.С*

+998932583201

**Аннотация:**

Бу мақолада ислом ҳуқуқи доирасидаги соҳавий кўламидан қатъий назар барча боб ва мавзуларда бирдек характерда лексик маънога эга терминларнинг лексик-семантик жиҳати таҳлил қилиниб, уларнинг лексик-семантик жиҳатдан Қуръон ва ҳадисга боғлиқ экани, сони ва туркумий таснифи очиб берилган.

**Калит сўзлар:** шариъат, ҳуқуқ, терминология, Қуръон, ҳадис, фикҳ, масала, фарз, вожиб.

**Abstract:**

This article analyzes the lexical-semantic aspect of the terms that have the same lexical meaning in all chapters and topics, regardless of the scope of the field within the framework of Islamic law, and their lexical-semantic aspect is related to the Qur'an and Hadith, and their number and classification is revealed.

**Key words:** sharia, law, terminology, Qur'an, hadith, fiqh, issue, fard, wajib.

**Абстрактный:**

В данной статье анализируется лексико-семантический аспект терминов, имеющих одинаковое лексическое значение во всех главах и темах, независимо от объема области в рамках исламского права, и их лексико-семантический аспект связан с Кораном. и хадисы, а также раскрыто их количество и классификация.

**Ключевые слова:** шариат, право, терминология, Коран, хадисы, фикх, вопрос, фард, ваджиб.

Маълумки, ислом ҳуқуқшунослиги ҳаётий масалаларни ўзида қамраб олган бўлиб, унда ҳар бир вазият ва ҳолат учун, албатта, бир жавоб ва ечим мавжуд бўлади. Ислом ҳуқуқшонслиги терминологик жиҳатдан катта лексик бойликка эга. Унда берилган терминлар серқирра ва сермазмун бўлиб, куйидаги изланишимизда биз шаръий ҳуқумларнинг умумий тавсифига доир терминларнинг лексик-морфологик тадқиқини кўриб чиқамиз.

Шаръий ҳуқумлар куйидаги саккизта умумий тавсифга эга бўлган терминларни ўз ичига олади:

1. Фарз.
2. Вожиб.
3. Суннат.



4. Нафл.
5. Ҳалол.
6. Ҳаром.
7. Макруҳ.
8. Мубоҳ.

Қолган ҳукмлар мазкур саккизта терминнинг ичига кириб кетади. Қуйида улар ҳақида батафсил тўхталиб ўтамиз.

*Фарз* – лугатда ўлчамоқ, кесмоқ деган маънони англатади. Шу маънода бирор нарсани ақлан миқдорини белгилаб, фараз қилини ифодалаида ҳам араб тилида *فَرَضَ* сўзи ишатилади. Масалан, “*فَرَضَ الخَشْبَةَ*” дейилса – ёғочни қирқди – деган маъно англашилади<sup>1</sup>. Фарз сўзи масдар бўлиб, доим бирлик шаклда ишлатилади. Айрим ўринларда “*فَرَائِضُ*” деб ишлатилади. Аниқроқ айтганда мерос илмига нисбатан ишлатилади. Фарз сўзи истилоҳда:

مَا تَبَتَّ إِجَابُهُ بِدَلِيلٍ قَطْعِيٍّ لَا شُبُهَةَ فِيهِ

“Вожиблиги шубҳасиз қатъий далил ила собит бўлган ҳукмдир”<sup>2</sup>.

Фарзнинг шаръий ҳукми – маъноси ҳақида қисқача тўхталиб, айтиш мумкинки, фарзнинг таърифидан билиниб турганидек, фарз – уни бажариш қатъий талаб қилинган, бажарган киши савоб олиши, қилмаган киши эса, жазо олиши белгиланган амалдир.

Кейинги умумий тавсифни ифода қиладиган термин бу “Вожиб” бўлиб,

**Вожиб** – лугатда “*وَجِبَ*” ўтган замон фелидан олинган “фоилун” вазнидаги сифатдошнинг аниқ нисбати бўлиб, лозим бўлмоқ, банданинг зиммасига юкланмоқ, шарт бўлмоқ каби маъноларини ифода этади<sup>3</sup>. Вожиб сўзи аксар ўринда бирлик шаклда ишлатилади. Шунингдек, бир масалага доир кўплаб мажбуриятлар бўлса, “*وَأَجِبَاتٌ*” кўиринишида ҳам ишлатилади.

Ҳанафий фикхидан бошқа фикх мазҳаби уламолари, фарз билан вожибни бир хил маънода кўллашади. Яъни турли сўзлар билан ифодаланган маънодош сўзлар бўлиб, ҳукмлари ҳам тенг деб, истеъмолда кўллаганлар. Фарз терминини вожиб ўрнида ёки аксинча кўллаганлар. Хулоса қилиб айтганда, фарз тушунчасини қандай таърифласалар, вожибни ҳам шундай таъриф қилишган.

Лекин ҳанафий фикҳи уламолари иккиси ўртасида фарқ борлигини эътиборга олиб, ўз ўрнида унинг таърифи ва ҳукмларини баён қилишган. Унга кўра, *вожиб*:

مَا تَبَتَّ طَلْبُهُ بِدَلِيلٍ ظَنِّيٍّ التُّبُوتِ، أَوْ ظَنِّيٍّ الدَّلَالَةِ عَلَى الْفَرْضِيَّةِ

<sup>1</sup> Маҳмуд Қолъажий. “Мўжаму луғотул фуқаҳо”. Байрут: Дорун нафоис; 1988-йил. –Б.343.

<sup>2</sup> Аҳмад Муҳаммад Насийруддин ан-Нақийб. “Ал-мазҳабул ҳанафий”. Риёз шаҳри: “Мактабутур рушд” биринчи босма: 2001. 1-ж. –Б.289.

<sup>3</sup> Аҳмад Муҳаммад Насийруддин ан-Нақийб. “Ал-мазҳабул ҳанафий”. Риёз шаҳри: “Мактабутур рушд” биринчи босма: 2001. 1-ж. –Б.289.



“Собитлиги зонний далил ила жорий бўлган ҳукмдир ёки далилнинг ҳукмнинг фарзлигига далолати зонний бўлиб собит бўлган ҳукмдир”<sup>4</sup>.

Таърифда келтирилган “зонний” сўзи:

**الظَّنُّ: إِدْرَاكُ الدَّهْنِ الشَّيْءِ مَعَ تَرْجِيحِهِ.**

“Зонн зеҳн бир нарсани устунлиги билан идрок этмоқлигидир”<sup>5</sup>. Яъни зеҳн предмет борасидаги бир неча эҳтимоллардан бирининг устунлигини англашиги “зонн”дир.

Таърифдан келиб чиқадики, зонн – шак (бир неча эҳтимолотларга эга, айтиб берилган эҳтимолни ифода этишига далил йўқ бўлган тушунча) билан “яқин” (аниқ тушунарли ҳеч қандай махфийлик касб этмаган тушунча)нинг ўртасидаги нарса экан, яъни зонн шакдан тўлақонли чиқиб кетмайди, шу билан бирга яқинга ҳам тенглаша олмайди экан.

Ислом ҳуқуқшунослигидаги ҳукмларнинг умумий тавсифини ифода қиладиган учинчи термин бу “Суннат” атамасидир.

Суннат сўзи луғатда йўл, одат, тутим, кўрсатма маъноларини билдиради<sup>6</sup>. Фикҳ истилоҳида эса:

**السُّنَّةُ: مَا وَاظَبَ النَّبِيُّ (صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ) وَالْخُلَفَاءُ الرَّاشِدُونَ مِنْ بَعْدِهِ عَلَيْهِ مَعَ التَّرْكِ أَحْيَانًا.**

“Пайғамбар алайҳиссалом ва узотдан кейин хулофои рошидийнлар баъзан тарк этиб доимий риоя қилган амаллардир”<sup>7</sup>.

Мазкур атамага Ҳофизуддин Насафий қўйидагича таъриф берган: “Суннат динда фарз, вожиб бўлмаган тарзда жорий қилинган йўлдир”<sup>8</sup>.

Ўз ўрнида ислом ҳуқуқшунослари тамонидан таърифланган “суннат” лексикаси, яъни маъноси жиҳатидан икки қисмга бўлинади:

1. **Сунани ҳуда.** Уни бажариш ортидан кишининг дини қувват топади, тарк қилиш оқибати кароҳият-макруҳлик ёки гуноҳкорликка олиб боради. Бунга азон айтиш, икомат такбирини айтиш, жамоат намози, кабилар мисол бўлади. Бу атама айрим манбаларда “суннати муаккада” деб ҳам юритилади, яъни таъкидланган суннат деган маънода<sup>9</sup>. Суннат сўзи бирор кўшимча қайдло всиз ишлатилганда суннатнинг мана шу қисми назарда тutilади.

2. **Сунани завоид.** Юқоридаги қисмнинг акси бўлгани учун суннати ғойри муаккада деб ҳам юритилади, яъни таъкидланмаган суннат. Сунани завоид, фикҳий лексикасига кўра “уни бажармасликнинг оқибати кароҳиятли, гуноҳ саналмаган амалдир”. Бунга намозда кироатни узунрок қилиш, рукуъ, саждани узайтириш, шулар каби намознинг ичида қиём-тик туриш, рукуъ, сажда

<sup>4</sup> Маҳмуд Қолжажий. “Мўжаму луғотул фуқоҳо”. Байрут: Дорун нафоис; 1988-йил. –Б.343.

<sup>5</sup> “Ал-Мўжам ал-васит” Иброҳим Мустафо, Аҳмад Зиёт, Ҳомид Абдулқодир, Мухаммад Нажжор. Миср: Доруд даъва; 2004. 2-ж. –Б.578.

<sup>6</sup> Маҳмуд Қолжажий. “Мўжаму луғотул фуқоҳо”. Байрут: Дорун нафоис; 1988-йил. –Б.250.

<sup>7</sup> Саъдий Абу Жийб. “Ал-Қомус ал-фикҳий луғатан ва истилахан”. Дамашк: “Дорул фикр”; 1988-йил иккинчи босма. – Б.184.

<sup>8</sup> Аҳмад Мухаммад Насийруддин ан-Накийб. “Ал-мазҳабул ханафий”. Риёз шаҳри: “Мактабатур рушд” биринчи босма: 2001. 1-ж. – Б.295.

<sup>9</sup> Кувайт Вақф ва Исломий ишлар ташкилоти тамонидан тузулган. “Мавсуъатул фикҳийя ал-Кувайтийя” фикҳ инциклопедияси. 25-ж. – Б.265.



кабиларда бажариладиган амаллар мисол бўлади. Шунингдек, намоздан ташқарида бажариладиган-у, лекин намозга боғлиқ бўлган ишлар. Масалан масжидга боришдаохисталик билан юриш, кийиниш, ейиш-ичиш амаллари каби.

Шунингдек суннат шу икки турга бўлиниши билан бир қаторда яна икки қисмга бўлинади.

**1. Суннати айн.** Ҳар бир ақли расо киши қилиши талаб этилган суннатлар. Жума куни ғусул қилиш, тартибли суннат номозлари, тарових намози ва бошқалари каби.

**2. Суннати кифоя** – балоғатга етган ақли расо айрим кишилар амалга оширса, бошқалардан соқит бўладиган суннат амаллардир. Азон айтиш, иқомат каби.

Юқорида айтилган гаплар биргина суннат сўзи ифода этадиган маънолардир. Бу ҳали ҳаммаси эмас, баъзан “Суннат” сўзи ўзи алоҳида қайдловсиз айтилганда “Вожиб” маъноси ҳам тушунилади. Айниқса, айтилаётган ҳукм суннат билан ворид бўлган бўлса, бу маъно яққол кўзга ташланади. Масалан ҳанафий мазҳабининг етук имоми Муҳаммад Шайбоний ўзининг “Жомиус соғийр” китобларининг “Ийд намози” бобида “Бир кунда жамланиб келган икки ийд (яъни ҳайт ва жума) намозларининг бири суннат иккинчиси фарздир” деган. Яъни имом Муҳаммад ийд намози гарчи вожиб бўлса-да, суннат билан жорий бўлгани боис уни “суннат” деб номлаган.

Кейинги тўртинчи атама “Нафл”дир.

*Нафл – лугатда қўшимча, зиёда, ўз хоҳиши ила, мажбурий бўлмаган тарзда, бирор нарсани тортиқ қилиши маъноларини англатади<sup>10</sup>.*

مَا شَرَعَ زِيَادَةً عَلَى الْفَرَائِضِ وَالْوَجِبَاتِ وَالسُّنَنِ.

“Фарз, вожиб, суннат амалларига қўшимча қилиб жорий қилинган амаллардир”.

Нафл сўзи қайдловсиз қўлланилганида, мустаҳаб, мандуб, татаввуъ каби терминларнинг маъносида келаверади. Гарчи “мустаҳаб”, “мандуб” атамалари “сунани завоид” маъносида қўлланса ҳам, нафл “сунани завоид” маъносида қўлланилмайди. Фақиҳлар ўртасида нафл ва мустаҳаб, мандуб орасидаги фарқ бор ёки йўқлиги ҳақида бир неча хил гаплар бор. Лекин усулул фиқҳ уламоларининг наздида иккиси ҳам бир хил маъно ишлатилади<sup>11</sup>.

Шу ергача ўрганилган атамлар ислом ҳуқуқшунослигидаги таклифий ҳукмларнинг мажбурият билан ёки ихтиёрий тарзда бўлсин бажариладиган ҳукмларнинг умумий маъносини ифода қиладиган терминлардир. Энди бажармаслик талаб қилинадиган, яъни “ман этишини ифода қиладиган терминлар” билан танишамиз.

Бу туркум терминлар учта бўлиб, “Ҳаром”, “Макруҳи таҳримий”, “Макруҳи танзиҳий”лардир. Яъни умумий тавсифдаги бешинчи, олтинчи, еттинчи атамалар. Демак, бешинчи термин, ҳаром атамаси:

<sup>10</sup> Аҳмад Муҳаммад Насийруддин ан-Нақийб. “Ал-мазҳабул ҳанафий”. Риёз шаҳри: “Мактабутур рушд” биринчи босма: 2001. 1-ж. – Б.267.

<sup>11</sup> Аҳмад Муҳаммад Насийруддин ан-Нақийб. “Ал-мазҳабул ҳанафий”. Риёз шаҳри: “Мактабутур рушд” биринчи босма: 2001. 1-ж. – Б.268.



Ҳаром – луғатда ҳалолнинг зидди бўлиб, бирор нарсани бажариши тақиқланганлиги, тийилиши маъноларини англатади. Ҳаром сўзи бундан ташқари кўп ўринларда қўлланилади. Масалан, ҳаж учун эҳром боғласа, “أحرم” “киши эҳром қилди” дея ҳаром ўзагидан олинган феъл ишлатилади. Яъни ҳаж амалини бажаришига киришаётган кишига олдин ҳалол, мубоҳ бўлиб турган ишлар, ўша эҳромни нийят қилганидан сўнг ҳаром бўлади деган маънода мазкур сўз ишлатилади. Яъни ҳажни нийят қилган шахс бояги нийяти ила ўзига маълум ишларни ҳаром қилган ҳисоб қилинади<sup>12</sup>.

Ислоҳ ҳанафий фикҳи терминологиясида ҳаром:

هُوَ عِبَارَةٌ عَمَّا تَبَيَّنَ النَّهْيُ عَنْهُ بِدَلِيلٍ قَطْعِيٍّ

“Ман этилиши (уни бажаришидан қайтариқ) қатъий далил ила собит бўлган ҳукм”.

Ҳаромнинг луғавий, термин сифатидаги маънолари ўртасида катта фарқ йўқ. У иккиси ўзаро бир-бирларига яқин экан. Яхлит бир сўз билан айтсак, ҳаром мутлоқ таъқиқланган иш ёки бирор ҳукмдир<sup>13</sup>.

“Ҳаром” атамаси билан боғлиқ ҳукмларнинг Қуръони карим ва ҳадисларда ифода этилиши:

Бирор ҳукмнинг ҳаром деб тавсифланиши, фақатгина, ҳаром қилмоқ ёки бирор тақиқлаш маъносидаги сўзни ишлатиш билангина бўлмайди. Бунинг ҳам ўз услублари бўлиб улар қуйидагилардир:

1. Феъл шаклида келадиганлар.
2. Қатъийлик, вожибликка далолат қиладиган наҳий-қайтариқни ифода қиладиган сўзлар.
3. Қатъийлик, вожибликка далолат қилиб четланишига буйруқни ифода этадиган сўзлар. Масалан, الْمَنْعُ, النَّهْيُ, التَّحْرِيمُ ва шулар каби.
4. Бирор ҳаром ишни бажаришининг оқибатини баён қилиш<sup>14</sup>.

Шаръий ҳукмларнинг умумий тавсифини билдирадиган олтинчи термин макруҳдир.

Макруҳ – луғатда (суймоқ, ёқтирмақ сўзининг акси бўлган) нафратланиш, жирканиш маъноларини англатади<sup>15</sup>. Фикҳий терминологик жиҳатдан эса:

الْمَكْرُوهُ: هُوَ مَا طَلَبَ الشَّارِعُ تَرْكَهُ لَا عَلَى وَجْهِ الْحَثْمِ وَالْإِزْمَامِ.

**Макруҳ** – шарият уни лозим ва вожиб бўлмаган тарзда тарк қилишни талаб этадиган ҳукмдир<sup>16</sup>.

Бу макруҳ атамасига берилган умумий таъриф, бироқ ҳанафий фикҳида макруҳга бошқалардан фаркли равишда қуйидагича таъриф берилади:

الْمَكْرُوهُ: عِبَارَةٌ عَمَّا كَانَ تَرْكُهُ أَوْلَى مِنْ فِعْلِهِ وَلَمْ يَنْهَ عَنْهُ بِدَلِيلٍ قَطْعِيٍّ

<sup>12</sup> Аҳмад Муҳаммад Насийруддин ан-Нақийб. “Ал-мазҳабул ҳанафий”. Риёз шаҳри: “Мактабутур рушд” биринчи босма: 2001. 1-ж. – Б.302.

<sup>13</sup> Аҳмад Муҳаммад Насийруддин ан-Нақийб. “Ал-мазҳабул ҳанафий”. Риёз шаҳри: “Мактабутур рушд” биринчи босма: 2001. 1-ж. – Б.302.

<sup>14</sup> Холид Рамазон Ҳасан. “Муъжаму усулул фикҳ”. Миср: “Равза” нашриёти; 1998-йил. – Б.102.

<sup>15</sup> Холид Рамазон Ҳасан. “Муъжаму усулул фикҳ”. Миср: “Равза” нашриёти; 1998-йил. – Б. 343.

<sup>16</sup> Ваҳба Аз-Зухайлий. “Ал-Важиз фи усулил фикҳ”. Сурия: Байрут: “Дорул фикр”: 1999-йил биринчи босма. – Б.133.



**Макрух** – бажаришдан кўра, тарк қилиш яхши саналган ва уни бажаришдан қатъий далилсиз қайтарилган ҳукмлардан иборатдир<sup>17</sup>.

Макрух қуйидаги турларга бўлинади:

**Макрух таҳримий:**

هُوَ مَا طَلَبَ الشَّارِعُ مِنَ الْمُكَفِّ عَنَّهُ حَتْمًا بِدَلِيلٍ ظَنِّيٍّ لَا قَطْعِيٍّ

“Шариъат балоғатга етган ақли расо бандадан уни қилмасликни қатъий бўлмаган далил ила талаб қилган ҳукмдир”<sup>18</sup>.

Саккизинчи атама:

**Макрух танзиҳий.** У:

الْمَكْرُوهُ: تَنْزِيهًا - هُوَ مَا طَلَبَ الشَّارِعُ الْكُفَّ عَنْهُ طَلَبًا غَيْرَ مُلْزِمٍ لِلْمُكَفِّ

“Шариъат балоғатга етган ақли расо бандадан лозим қилмасдан уни бажаришдан тийилишни талаб қилган ҳукм”. Масалан, уруш даврида отларни ҳожат юзасидан сўйиш, мушук, йиртқич қушларнинг сарқит суви билан таҳорат қилиш ва суннати муаккада бўлган амалларни тарк қилиш кабиларни мазкур “Макруҳи танзиҳий” атамаси билан ифода қилинади<sup>19</sup>.

Мана шу ергача “бажаришлиши талаб этилган” ва “бажармаслик талаб этилган” ҳукмлар ҳақида гаплашдик, энди икки тамони ҳам тенг бўлган, яъни қилиш-қилмаслик ихтиёрий бўлган ҳукмларни англатувчи терминларни кўриб чиқсак.

Мубоҳ – араб тилидаги IV боб феълидан ясалган сифатдошнинг мажхул даражасидир. Асл ўзаги уч ҳарфлик “الْبُوحُ” калимасидир. Бу сўз ойдинлашмоқ, кўринмоқ маъноларини англатади.

Мубоҳ сўзини таҳлил қиладиган бўлсак, у юкорида айтиб ўтилганидек, IV боб феълидан ясалган бўлиб,

مَا اسْتَوَى فِعْلُهُ وَتَرَكَّهُ فِي عَدَمِ الثَّوَابِ وَالْعِقَابِ مِنْ أَعْمَالِ الْمُكَفِّينَ

“Савоби ва жазосининг йўқлиги эътиборидан қилиш ва қилмаслик тенг бўлган бандаларнинг амалларидир”<sup>20</sup>.

Хулоса қилганда, ислом ҳуқуқшунослиги оид ҳукмларнинг умумий маъносини ифода қиладиган терминлар саккизтани ташкил қилиб, уларнинг умумий лексик хусусияти Куръони карим, ҳадис ва фақиҳларнинг фатволарига боғлиқ бўлиб, морфологик жиҳатдан барчаси бирлик шаклида ифода қилинади. Шунингдек мазкур терминлар ифода жиҳатига кўра икки қисмга бўлинади. Биринчиси, машруъий – шариъат томонидан қилиниши белгиланган ҳукмлар. Булар тўртта: фарз, вожиб, суннат, нафл. Иккинчиси, манҳий – шариъат томонидан

<sup>17</sup> Аҳмад Муҳаммад Насийруддин ан-Нақийб. “Ал-мазхабул ҳанафий”. Риёз шаҳри: “Мактабутур рушд” биринчи босма: 2001. 1-ж. – Б.303.

<sup>18</sup> Холид Рамазон Ҳасан. “Муъжаму усулул фикҳ”. Миср: “Равза” нашриёти; 1998-йил. – Б.299.

<sup>19</sup> Холид Рамазон Ҳасан. “Муъжаму усулул фикҳ”. Миср: “Равза” нашриёти; 1998-йил. – Б.300.

<sup>20</sup> Аҳмад Муҳаммад Насийруддин ан-Нақийб. “Ал-мазхабул ҳанафий”. Риёз шаҳри: “Мактабутур рушд” биринчи босма: 2001. 1-ж. – Б.300.



қилинмаслиги талаб этилган амаллар. Булар учта: ҳаром, макруҳи таҳримий, макруҳи танзиҳийлардир. Булар ичида мубоҳ алоҳида бўлиб, ҳар икки туркумга ҳам кирмайди.

### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**

1. Саломав Ғ. Таржима ташвишлари. –Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
2. Бурҳониддин Ал-Марғиноний. Ҳидоя. I жилд. (Салоҳиддин Муҳиддин раҳ.даги таржимонлар гуруҳи). –Т.: Адолат, 2000.
3. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири ҳилол. 1-жуз. –Т., 2008.
4. Саъдий Абу Жийб. “Ал-Қомус ал-фикҳий луғатан ва истилаҳан”.
5. “Қуръон карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси” Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тошкент: “Шарқ” нашриёти: 2009-йил. 639 бет.
6. Мансурхўжа ибн Мақсудхўжа. “Мажмаъ ул-Мақсуд”. Нашрга тайёрловчи: Маҳмуд Ҳасаний, Абдусамад, Убайдуллоҳ Ҳасаний. Тошкент: “Мовароуннаҳр” 2005. 2-жуз. 648 бет.
7. Алий ибн Султон Муҳаммад ал-Қори. “Фатҳул боби иноя би шарҳ ан-ниқоя”. Ливан: Байрут: “Дорул Арқам ибн Абул Арқам” 1997. 2-жилд. – 577 бет.
8. Саййид Аҳмад ал-Боланбурий. “Мабодиул усул”. Покистон: Мактабатул бушро; Биринчи босма 2010-йил. – 56 бет.
9. Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ Шоший Абу Алий. “Усулуш шоший”. Байрут: Дорул Кутуб ал-арабий; ҳижрий 1402. – 394 бет.
10. Убайдуллоҳ ибн масуъд тожуш шариа ал-Маҳбубий. “Шарҳ ал-виқоя маъ мунтаха ан-ниқоя”. Дўктер Салоҳ Муҳаммад Убу ал-Ҳож. Урдун: “ал-Мактаба ал-ватонийя”: 2006-йил. 1-жуз. 300 бет.
11. Аҳмад Муҳаммад Насийруддин ан-Нақийб. “Ал-мазҳабул ҳанафий”. Риёз шаҳри: “Мактабатур рушд” биринчи босма: 2001. 1-жуз. 440-бет.
12. Ваҳба Аз-Зухайлий. “Ал-Важиз фи усулил фикҳ”. Сурия: Байрут: “Дорул фикр”: 1999-йил биринчи босма. 238 бет.
13. Доктор Аҳмад ал-шарбосий. “Ал-мўжамул иқтисодий ал-исломий”. “Дорул жийл”: 1981-йилги босма. 499 бет.
14. Д. Муҳаммад Аҳмад Сарож, Д. Али Жумъа Муҳаммад. “Росаилу ибн Нужайм ва ал-мусоммат ар-росаил аз-айнийя фи мазҳаб ал-ҳанафийя”. Миср: Қоҳира: “Доруссалом”: 1999\1998. 635-бет.
15. “ал-Мактаба аш-шомила”. Фикҳ, ҳадис
16. Имом Сарахсий. “Мабсут”. Байрут: “дорул фикр”: 2000. 236 бет.
17. Муҳйиддин Абу Муҳаммад Абдулкодир Куроший. “Ал-Жаваҳирул музийя фи тобақотул ҳанафийя”. Риёз: “дорул улум” иккинчи босма: 1993. 5 жилд. 3326.



18. Саъдий Абу Жийб. “Ал-Қомус ал-фикҳий луғатан ва истилахан”. Дамашк: “Дорул фикр”; 1988-йил иккинчи босма. – 396 бет.
19. XOLMONOVA, Z. (2015). BABÜRNÂMEDEKİ BAZIKELİMELERİN TARİH? VE ETİMOLOJİK TAHLİLİ. Journal of Social Sciences/Sosyal Bilimler Dergisi (2146-4561), 5(9).
20. Xolmanova, Z. (2020). Kompyuter lingvistikasi. Nodirabegim:.-Toshkent, 247.
21. Xolmanova, Z. (2022). Omonimlar–tafakkur omili. Uzbekistan: Language and Culture, 1(1).
22. Turdievna, X. Z. (2021). ROLE OF ALISHER NAVOI IN THE DEVELOPMENT OF MODERN LINGUISTICS. 국제언어문학, (49), 85-106.
23. Холманова, З. Т. (2021). АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИК ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ. ALISHER NAVOIY XALQARO JURNALI, 1(2).
24. Bilveren, T. (2015). BABÜRNÂMEDEKİ BAZI KELİMELERİN TARİHİ VE ETİMOLOJİK TAHLİLİ . Kilis 7 Aralık Üniversitesi Sosyal Bilimler Dergisi , 5 (9) , 114-118 . Retrieved from <https://dergipark.org.tr/en/pub/kilissbd/issue/45249/566814>

